

Жамоалаштириш ва «кулоқлаштириш» кампанияси даврида дехкончилик меҳнати билан рўзгор тебратаётган, ернинг хақиқий эгалари бўлган кишлоқ аҳолиси катагон объекти бўлиб қолди. 1931 йил августда Ўзбекистон бўйича 3 795 хўжалик (17 839 жон) «кулоқ» килиниб, юқорида айтиб ўтганимиздек, бор мулкларидан, уй-жойларидан маҳрум килинди ва Украинанинг Херсон вилоятига ва Шимолий Кавказ (ҳозирги Ставрополь ўлкаси) га сургун килинди. 1932 йил майида эса республикамизнинг 54 туманидан 4 865 хўжалик, яъни 22 505 киши (шундан 6 877 нафари эркеклар, 5 886 нафари аёллар, 9 055 нафари эса болалар) сургун килинди. Аммо 1932 йилда сургун килинганлар ҳисобига нима учундир Қашқадарё ва Хоразм округларидан сургун килинганлар қирмай қолган. Ваҳоланки, бошқа бир ҳужжатда Қашқадарё округидан 600 хўжалик (1113 киши) (шу жумладан, Қосондан 180, Шахрисабздан 200, Яққабогдан 75, Бехбудийдан 30, Гузордан 50, Чирокчидан 65 хўжалик), Хоразм округи дан 680 хўжалик (1 160 киши) (шу жумладан, Хиё шаҳридан 160, Мангитдан 60, Гурландан 95, Ҳазорасп дан 100, Хива туманидан 100, Янги Урганчдан 85, Шовотдан 80) «кулоқ» килингани қайд этилган. Ҳуллас, 1932 йилда Ўзбекистон бўйича 6 145 хўжалик (24 778 киши) «кулоқ»ка тортилиб, сургун килинган. 1932 йил майида «кулоқ» килинганлар Ўзбекистон ҳудуди даги «меҳнат посёлкалари»га, яъни «кулоқлар кишлоғи»га келтириб жойлаштирилган. Бундай «кулоқлар кишлоғи» Сурхондарёдаги «Ҳазорбоғ» пахтачилик сом ҳозида, Тошкент вилоятидаги «Боёвут», «Далварзин», «Дзержинский», «Сталин», «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозлари ва қолхозларида, Самарқанддаги «Булунгур» боғдорчилик совхозида, Андижондаги «Савай», «Қуйбишев» пахтачилик совхозларида, Наманганнинг Умқургон туманидаги «Норин» совхозида ташкил этилган эди. Бундай «кулоқлар кишлоқлари»нинг сони республика бўйича 24 тага етган. Бу хўжалиқларда сургун азобини тартаётганларнинг катта қисми яна такроран ноҳақ катагон килинган.

ОГПУнинг 1932 йил 15 апрелдаги «Доимий яшаш жойларидан ва сургун килинган пунктлардан кулоқларнинг қочиб кетаётгани тўғрисида»ги 2-маълумотномасида Ўрта Осиё бўйича 125 тумандаги 27 794 «кулоқ» хўжалиқларидан 7 091 оиланинг яшаш жойидан кетиб қолгани қайд этилган. Шундан 3 316 киши яққа қолди, 3 775 оила эса барча аъзолари билан қочиб кетган. Уларни топиш ва қўлга олиш операцияси ўтказилиб, 2 155 «кулоқ» ушлаб олинган ва улардан 502 киши яшаб турган жойига, 610 киши махсус посёлкага на лагерларга юборилган, 759 кишининг иши судга оширилган, 284 киши эса маълумотнома тузилган вақтда терговда бўлган.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғи асосида 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича

«кулоқлар»дан 5 924 киши, «жиноятчилар»дан 1679 киши, бошка «советларга карши унсурлар»дан 3 097 киши, жами 10 700 киши камокка олинади. Уларнинг барчаси камок жазосига хукм этилади. Отувга хукм килинганлардан 1 376 нафари кулоқлар», 727 нафари жиноятчилар ва 1 812 нафари советларга карши унсурлар» бўлиб, улар турли муддатларга камок жазосига хукм килинади. Улар орасида Ўзбекистон худудида жойлашган меҳнат посёлкаларидаги «кулоқлар» ҳам бор эди.

Меҳнат посёлкаларига сургун килинган кишиларнинг хўжалик соҳасида эришган ютуқлари, уларнинг яшаш шароитлари, уй-рўзгорларининг яхши йўлга қўйилиши ГУЛАГ меҳнат посёлкалари бўлими ходимларини жиддий ташвишга солади. Натижада 1938 йил 29 сентябрда Ежов жойлардаги НКВД бошкармалари бошлиқларига меҳнат посёлкаларидаги режимни кучайтириш тўғрисида 1818-сонли кўрсатмани юборади.

Меҳнат посёлкаларидаги «кулоқ» хўжалиқларининг ўсиши НКВД органларининг кўпол сиёсий хатоси сифатида баҳолана бошлади. НКВДнинг айрим ходимлари 1937—1938 йилларда меҳнат посёлкаларидаги «кулоқлар»нинг бойиб кетишида айбланиб, хатто катагон этилди.

Узоқ вақт мобайнида «кулоқлар сургуни» билан «халқ душманлари» (Коган, Молчанов, Берман, Плинер, Фирин, Закаръян, Вишневский ва бошқалар) нинг шугулланганлиги, сургун килинганлар учун атрофдаги колхозларга караганда имтиёзли шароитнинг яратилганлиги, шу сабабдан «кулоқ» хўжалиқларининг колхозчиларга нисбатан илгорлаб кетгани, натижада сургун килинганлар орасидан янги «кулоқлар»нинг чика бошлагани, уларнинг давлатга солиқ ва йигим тўлашдан озод килинганлиги хақида турли маълумотлар юкори органларга юбориб турилди.

Окибатда НКВД ходимлари билан бирга меҳнат сургунидаги кишилар ҳам катагон объекти бўлиб колди. Ўзбекистон худудида жойлашган меҳнат посёлкаларидаги меҳнат бадаргачиларидан 1935—1936 йилларда 101 киши, 1937—1938 йилларда 156 киши такроран катагон килинди. 1937 йили 14 758 меҳнат бадаргачисидан 46 киши (0,31 %), 1938 йили эса 14 271 меҳнат бадаргачисидан 110 киши (0,77 %) устидан хукм чикарилди, катагон килинди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам меҳнат посёлкаларидаги меҳнат бадаргачиларининг маълум қисми турли бўҳтон, нотўғри маълумот ва сохта айблар асосида катагон килинди.

1942 йил 20 январда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус меҳнат посёлкалари бўлимининг Чкалов шаҳри Совет кўчаси, 19-уйда жойлашган ГУЛАГ бошлиғи ўринбосари давлат хавфсизлиги майори Заговороднийга йўллаган ахборотида ана шу катагон килинганлар хақида маълумот берилган. Унда айтилишича, республикадаги махсус меҳнат кишлоқларида

3 296 та сургун килинган оила бўлиб, улар таркибида 11 798 жон борлиғи, булардан кўп қисмини «собик кулоқ унсурлар, бой-помешчик унсурлар ва босмачилик ҳаракатининг собик иштирокчилари» ташкил этгани қайд килинган. Шунингдек, меҳнат бадаргачиларидан, 1942 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 283 кишининг бой-помешчик унсурлар, 24 кишининг мусулмон рухонийлари, 103 кишининг савдогарлар, 38 кишининг собик дворян-князлар, 8 кишининг эса «халқ душманлари»нинг хотинлари эканлиги кўрсатилган.

Ахборотда, жумладан, бундай дейилган: «Ватан уруши бошланган вақтдан буён ўтган фурсат ичида меҳнат бадаргачиларининг советларга қарши унсурлари фаоллиғи сезилмоқда, бу ҳол маглубиятчилик ва немис фашистларига хайрихоҳлик қайфиятни, шунингдек, турли-туман игво ва фасодларни тарқатишда ўз ифодасини топмоқда».

Мазкур ахборотда камокка олинганлар хақида ҳам маълумот берилган. Масалан, Янгийўл туманидаги 4-мехнат посёлкасидан меҳнат бадаргачиси, собик бой, ўзбек, Омонбоевнинг партия аъзосига нисбатан террорчилик ҳаракати қилгани учун, Ховос туманидаги 2 посёлкадан Козимовнинг советларга қарши фикрлар айтгани учун камокка олингани, Учкўргон туманидаги 8- посёлкадан меҳнат бадаргачиси, миллати осетин, Жонбулат Саломов (собик йирик кулоқ) нинг аксилинилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилгани, Избоскан туманидан Шукур Худойбердиев ва Абдулла Мирзаев (ўзбек, собик йирик кулоқлар) нинг советларга қарши ташвиқот олиб боргани ва фашистларга хайрихоҳлик руҳидаги миш-мишларни тарқатгани учун камокка олинганлиги ва ҳукм килинганлиги қайд этилган.

Хаммаси бўлиб 1941 йил июлидан 1942 йилнинг январига қадар советларга қарши фаолият кўрсатганликда айбланиб 24 киши камокка олинган ва улар устидан ҳукм чиқарилган. Шу вақт ичида меҳнат посёлкаларидан 40 киши қочиб кетган, улардан 8 киши ушланиб, меҳнат посёлкасига олиб келиб жойлаштирилган.

Ахборотда яна бундай дейилган: «Шунингдек, собик босмачилардан бўлган бандаларнинг қисман жонланиб қолганлиги ҳам сезилмоқдаки, бу ҳол улар орасидан баъзи бирларининг аксилинкилобий ҳаракатни фаоллаштириш мақсадида босмачилик ҳаракатининг собик иштирокчилари билан алоқа боғлашга интилишларида кўринмоқда».

Маълумки, меҳнат посёлкаларидаги тартиб устидан назорат олиб бориш, кузатиш, қочиб кетишлардан қўриқлаш ва меҳнат бадаргачиларидан ишчи қучи сифатида фойдаланишни тартибга солиб туриш вазифаси комендантлар ва комендатуралар зиммасига юклатилган эди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан комендатура ва комендантларнинг «кулоқлар сургуни»даги меҳнат бадаргачилари орасида олиб бораётган оператив агентура фаолиятига жиддий ўзгаришлар киритилди. ГУЛАГ кўрсатмаларига мувофиқ, уруш даври талабларига кўра, меҳнат посёлкаларидаги тартиб-шароитлар қучайтирилди. 1942 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондаги барча меҳнат посёлкаларида режим қучайтирилиб, «кулоқлар сургуни»дагиларга нисбатан яна ўзига хос катагон сиёсати қўллана бошланди. Меҳнат интизомини бузганлар ва ишга кечикиб чиққанлар судга берилди бошланди. 1941 йил августининг ўзида меҳнат посёлкаларида турли сабаблар билан 20 киши ЎзССР Жиноят Кодексининг 106-моддаси бўйича жавобгарликка тортилди.

Посёлкаларда НКВДнинг махфий агентлари собик «босмачилар» ва советларга қарши қайфиятдаги кишиларни излашга сафарбар этилди. Шубҳа остига олинганлар НКВДнинг оператив рўйхатида олина бошладилар. Масалан, Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-меҳнат посёлкасида 1942 йилда 36 кишининг номи НКВДнинг оператив ҳисобига олинди.

1941 йилда, урушнинг дастлабки ойда шу меҳнат посёлкасида Фозилов Турсунбой қамолга олинди. «Ота» лақабли НКВД агентининг маълумот беришича, Фозилов Турсунбой бундай деган: «Яқинда бу ерга Гитлер келади, барча қийинчиликлар тугайди. Фақат Гитлергина бизни ўзига яқин дўст сифатида кўради... Мен яқин орада бу ердан қочиб кетаман. Белгиланган жойда 5 та йигитим мени қуроллар билан қутиб олишади».

1942 йилнинг мартада Денов туманидаги 1-меҳнат посёлкасида 1872 йилда тугилган Отаев Шоди қамолга олинди. НКВД агентининг берган маълумотида кўра, у ўтмишда «босмачилик ҳаракати»да фаол иштирок этган ва кўрбоши лавозимида бўлган.

Янгийўлдаги меҳнат посёлкалари бўйича 11 кишининг номи НКВДнинг оператив рўйхатида олинган. Улардан 6 тасига советларга қарши қайфиятдаги «кулоқлар», 3

тасига собик «босмачилар» деган айб қўйилган.

1941 йил август ойида Али Мамаюсупов НКВДнинг махсус йигилиши томонидан камокка олинган. Аникланишича, у ўтмишда кўрбоши бўлган ва ихтиёрида 55 нафар йигит бўлган.

1942 йил март ойида Оккўргон туманидаги 3-мехнат посёлкасидан камокка олинган Дадабоев Косим ва Дадабоев Вали ўтмишда «босмачилик харакати»да иштирок этганликда, 1941—1942 йилларда безорилик қилганликда ва чайковчилик билан шугулланганликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинганлар.

Бекобод туманидаги 6- ва 10-мехнат посёлкаларидан 52 киши номи НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 24 тасига собик «босмачилар», 16 тасига собик йирик «кулоқ»лар, 3 тасига «халқ душманлари»нинг қариндошлари, 2 тасига собик чор армияси офицерлари, деган айблар қўйилган. Мазкур мехнат посёлкасида Файзулла Хўжаевнинг хотини Робия Хўжаева, Ота Хўжаевнинг хотини Шарифа Тизатуллиналар ҳам бўлганлар. Улар ҳақида «Роза» ва «Гойиб» лақабли хуфялар маълумот етказиб туришган.

Умуман, 1941—1942 йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги мехнат посёлкаларидан 283 киши собик «босмачи» сифатида, 279 киши эса советларга қарши ва аксилинқилобчи шахслар сифатида НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Пиравардида улар ҳам катагон домига тортилганлар.

«Кулоқлар сургуни»дагиларга нисбатан урушдан ке-йин ҳам турли кўринишда катагон сиёсати қўлланиб келинди ва бу жараён 1955 йилгача давом этди. Собик «кулоқлар» мустақиллик арафасидагина эркин нафас ола бошладилар.

“Тарихнинг хасратли саҳифалари”